Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 31 (108) • 2007 йил 3 август

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### ҚИДИРУВГА ИМТИЁЗЛАР

**2007 йил 12 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-101-сон Қонун билан** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлари пакетида чоп этилмоқда)* юридик шахсларга телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларининг, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар бўйича баъзи солиқлар ва божхона тўловларини тўлашга бир қатор имтиёзлар тақдим этилмоқда.

### СУДЬЯ КИМ?

**2007 йил 20 июлдаги ЎРҚ-103-сон Қонун билан «Судлар тўғрисида»ги Қонунга, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.** Улар судлар фаолиятини ташкил этиш, судлар ваколатларини белгилаш ва уларни тўхтатиб туриш, шунингдек судларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда тегишли малака ҳайъати томонидан судьялик лавозимларига номзодлар захирасини шакллантириш ва номзодларни танлаш масалаларига тааллуқлидир.

### ЎЗГАРТИШЛАР ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛДИ

**«Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун 2007 йил 23 июлда ЎРҚ-104-сон билан қабул қилинди** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлари пакетида чоп этилмоқда).* Улар хўжалик жамиятларида ички аудит хизматини ташкил этиш зарурати ва қимматли қоғозлар муомаласи билан боғлиқ баъзи масалаларига дахлдор. Чунончи, Солиқ кодексига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар юридик шахс бўлган акциядорнинг ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав фондини (капиталини) кўпайтириш учун йўналтириш чоғида қўшимча акциялар қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олинган даромадлари (фойдаси)ни солиқ солишдан озод этади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга киритилаётган ўзгартишларга мувофиқ ЁАЖ облигацияларни жойлаштиришга ҳақли эмас, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг ваколатига кирадиган масалалар рўйхати кенгайди. Жамиятларда, шу жумладан масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларда ва хўжалик ширкатларида ички аудит хизматини ташкил этишни тартибга соладиган янги модда киритилди.

Ҳужжат билан бошқа ўзгартишлар ҳам киритилди.

### ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН УЙ-ЖОЙ

**Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил 17 июлдаги 144-сон қарор билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлади** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

Низомга мувофиқ берилаётган уй-жойлар хусусийлаштирилмайди. Ёш оилага белгиланган мақсадли коммунал уй-жой фондидан уй-жой олиш ҳуқуқи бир марта берилади. Унга уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган ва уй-жой олиш учун ҳисобда турган ёш оилалар эгадир. Ҳокимлик ёхуд унинг томонидан вакил қилинган бошқарувчи ташкилот ва уй-жой берилган ёш оила ўртасидаги ёш оила учун уй-жойни сақлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ўзаро муносабатлар уй-жой қонунчилиги ҳамда намунавий ижара шартномаси асосида тузиладиган шартнома *(мазкур Низомга иловада келтирилади)* билан тартибга солинади.

### МОЛИЯЛАШТИРИШ ҒАЗНАЧИЛИК ТАРТИБИДА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 июлдаги 148-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.**

Улар мажбуриятлари қаторига бюджет маблағларини олувчиларга хизмат кўрсатиш кирувчи Ғазначилик институтини жорий этиш билан белгиланган. Ўзгартишлар бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини Президентнинг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–594-сон қарорига мувофиқлаштиради.

### ИПОТЕКА БАЗАДАН ЧИҚИБ КЕТДИ

**Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлари пакетида чоп этилмоқда).*

Хусусан, VIII боб солиқ солиш базасини қуйидагиларга камайтирадиган янги банд билан тўлдирилди:

а) ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун – беш йил давомида харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига, аммо солиқ солинадиган базанинг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

б) ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой сотиб олишга текинга берилган маблағлар суммасига, аммо солиқ солинадиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда.

Солиқ солиш базасини камайтирадиган сумма асосий фаолият тури бўйича солиқ солиш базасини камайтирувчи бутун корхона бўйича (барча фаолият турлари бўйича) солиқ солиш базасидан келиб чиқиб аниқланади.

Шунингдек бошқа ўзгартишлар ҳам киритилди.

**Қарор Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 18 июлда 1667-1-сон қарор билан рўйхатдан ўтказилди, 2007 йил 28 июлдан кучга кирди.**

### ПЕНСИЯНИ ЎЗИНГИЗ ҲИСОБЛАЙСИЗ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ–3880-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг қўшма қарори** *(Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 23 июлда 1699-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан тасдиқланди *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инобатга олинади (15525 сўм x 7 = 108675 сўм). Пенсия қайта ҳисобланадиган ўртача ойлик иш ҳақини тенглаштириш учун, иловага мувофиқ йиллар бўйича дифференцияланган янги тузатувчи коэффициентлар ўрнатилади. Пенсионернинг иш ҳақлари тўғрисида маълумотлар бўлмаган ёки ўртача бир ойлик иш ҳақининг тузатувчи коэффициент қўлланилгандан кейинги янги миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига етмаса, пенсияни қайта ҳисоблаш Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади. Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб аниқланади.

### РЕЕСТРДАН ЧИҚАРИЛДИ

**Адлия вазирининг 2007 йил 18 июлдаги 132-мх-сон буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат реестридан Юридик ва жисмоний шахсларга нон ва нон маҳсулотларини пишириш учун рухсатнома бериш тартиби** *(«Ўздонмаҳсулот» ДАК томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1995 йил 22 ноябрда 192-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* **чиқарилди** ҳамда бу ҳақда мазкур Давлат реестрига тегишли ёзув киритилди.

**Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 18 июлда 192-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди, 2007 йил 28 июлдан кучга кирди.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 29-30-сони асосида 2007йил 14 июлдан 27 июлгача бўлган давр учун тайёрланди.***

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 31 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1117,45 | 1 Малайзия ринггити | 370,35 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2606,16 | 1 Польша злотийси | 461,73 |
| 1 Дания кронаси | 234,95 | 1 СДР | 1945,29 |
| 1 БАА дирҳами | 345,29 | 1 Туркия лираси | 1005,36 |
| 1 АҚШ доллари | 1267,96 | 1 Швейцария франки | 1052,07 |
| 1 Миср фунти | 224,20 | 1 ЕВРО | 1747,50 |
| 1 Исландия кронаси | 21,57 | 10 Жанубий Корея вони | 13,84 |
| 1 Канада доллари | 1213,47 | 10 Япония иенаси | 105,46 |
| 1 Хитой юани | 167,70 | 1 Россия рубли | 49,88 |
| | | 1 Украина гривнаси | 251,08 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 1.08.2007 | 1 | 0,8539 | 1 | 1,1664 | 1 | 0,0334 |
| Арманистон | 1.08.2007 | 1 | 337,05 | 1 | 461,99 | 1 | 13,19 |
| Беларусь | 2.08.2007 | 1 | 2145,00 | 1 | 2928,57 | 1 | 83,79 |
| Грузия | 2.08.2007 | 1 | 1,668 | 1 | 2,2767 | 1 | 0,0652 |
| Қозоғистон | 2.08.2007 | 1 | 123,31 | 1 | 168,27 | 1 | 4,81 |
| Қирғизистон | 4.07.2007 | 1 | 37,95 | 1 | 52,3312 | 1 | 1,4886 |
| Латвия | 2.08.2007 | 1 | 0,515 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0201 |
| Литва | 2.08.2007 | 1 | 2,5277 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,8771 |
| Молдова | 1.08.2007 | 1 | 12,1024 | 1 | 16,5766 | 1 | 0,4737 |
| Тожикистон | 2.08.2007 | 1 | 3,4391 | 1 | 4,714 | 10 | 1,3434 |
| Ўзбекистон | 31.07.2007 | 1 | 1267,96 | 1 | 1747,50 | 1 | 49,88 |
| Украина | 1.08.2007 | 100 | 505,00 | 100 | 692,2035 | 10 | 1,9769 |
| Эстония | 1.08.2007 | 1 | 11,4669 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,447855 |

**Манба: www.prime-tass.ru**

## АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА 2007 ЙИЛ 31 ИЮЛЬ ҲОЛАТИГА ЎЗБЕК СЎМИГА НИСБАТАН ЖОРИЙ ЭТИЛГАН КУРСИ

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | харид | сотиш | харид | сотиш |
| ЎзР ТИФ МБ | 1267,00 | 1275,00 | 1748,00 | 1768,00 |
| "Асака" банки | 1267,50 | 1274,00 | 1748,00 | 1751,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1268,00 | 1275,00 | 1749,00 | 1759,00 |
| "Пахтабанк" | 1268,00 | 1277,00 | 1745,00 | 1755,00 |
| Халқ банки | 1270,00 | 1278,00 | 1748,00 | 1762,00 |
| "Ипотека-банк" | 1268,00 | 1274,00 | 1750,00 | 1755,00 |
| АБН АМРО банк НБ Ўзбекистон А.Ж. | 1269,00 | 1276,00 | 1748,00 | 1759,00 |
| "UzKDBбанк" | 1267,00 | 1273,00 | 1730,00 | 1750,00 |
| "Ғаллабанк" | 1268,00 | 1274,00 | 1748,00 | 1757,00 |
| "Трастбанк" | 1268,00 | 1275,0 | 1748,00 | 1758,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1268,00 | 1278,00 | 1748,00 | 1762,00 |
| "Алоқабанк" | 1268,00 | 1275,00 | 1749,00 | 1776,00 |
| "Ў-Т банк" | 1267,00 | 1270,00 | 1750,00 | 1770,00 |
| "Туронбанк" | 1268,00 | 1272,00 | 1750,00 | 1755,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1268,00 | 1275,00 | 1748,00 | 1760,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1267,00 | 1274,00 | 1746,18 | 1755,82 |
| "Микрокредитбанк" | 1268,00 | 1280,00 | 1748,00 | 1764,00 |
| "Туркистон" банк | 1271,00 | 1280,00 | 1710,00 | 1743,00 |
| "Даврбанк" | 1267,00 | 1274,00 | 1748,00 | 1758,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1267,00 | 1277,00 | 1747,50 | 1773,00 |
| "Капитал банк" | 1268,00 | 1272,00 | 1747,50 | 1773,00 |
| "Содерат банк" | 1268,00 | 1277,00 | 1749,00 | 1769,00 |
| "Ҳамкор банк" | 1267,00 | 1277,00 | 1735,00 | 1765,00 |
| "Универсалбанк" | 1275,00 | 1280,00 | 1754,00 | 1759,00 |
| "Парвинабанк" | 1267,00 | 1270,00 | 1746,00 | 1750,00 |
| "Равнақбанк" | 1267,00 | 1275,00 | 1745,00 | 1765,00 |



## ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ

***СИЗГА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА СОЛИҚ СОЛИШГА ДОИР МАХСУС АДАБИЁТЛАР КЕРАКМИ? СИЗЛАРДА БУНДАЙ АДАБИЁТЛАР ЗАРУР ЭКАНЛИГИГА ДИРЕКТОРИНГИЗНИ ИШОНТИРИШ ҚИЙИН КЕЧМАЙДИМИ?***

● **Тиббиёт-фармацевтика маҳсулотлари етказиб бериш соҳасидаги бош бухгалтер Зулфия Мирзааҳмедовна:**

– Бизда керакли ҳамма махсус адабиётлар бор, ҳаммаси янги, сўнгги йилларда чиқарилган. Бухгалтерия бўйича маълумотнома-китобимиз ҳам бор: унда ҳар қандай корхонада юзага келиши мумкин бўлган, бухгалтерияга ва молияга оид ҳар хил вазиятлар ечими ҳақида сўз боради. Бу китоб ишда менга яхши кўмакчи. Бирон савол чиқиб қолиши билан унга мурожаат этиб, вазиятдан чиқиш йўлларини топаман.

Директоримиз шунга ўхшаш адабиётларни сотиб олишимизга ҳеч қачон қаршилик қилмайди – ишимиз учун бундай китобларнинг кераклигини жуда яхши билади. Шу сабабли бухгалтерия ҳисоби ёки солиқ солиш бўйича у ёки бу қўлланмаларни сотиб олиш хусусида муаммо бўлмайди.

● **Қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш соҳасидаги бош бухгалтер Райҳон Асқаровна:**

– Солиқ солишга доир махсус адабиётлар бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарур деб ҳисоблайман. Масалан, яқинда бухгалтерия ҳисоби бўйича маълумотнома-китоб чиқаришди. Бухгалтерлар учун жуда қулай у. Афсуски, ахборотлар мукаммал эмаслиги оқибатида бу махсус адабиёт бошловчи бухгалтерларга мўлжалланган деган таассурот уйғотади.

Солиқ солиш бўйича қўлланмалар жуда кам. Ҳолбуки, кейинги вақтларда шундай чигал, жумбоқли саволлар чиқиб қолмоқдаки, нима қилишни ҳам билмай қоласан киши. Бунақа саволларга амалда жавоб топиш қийин. Бухгалтерия ҳисобига оид ахборотларга китобда анча кенг ўрин берилган.

Раҳбаримизнинг муносабатига келганда шуни айтиш кераки, бирон бир махсус адабиёт сотиб олиниши фикрини у ҳамиша маъқуллайди. Негаки, фаолиятимизга тааллуқли турли қарорлар ва кўрсатмалар, энг сўнгги янгиликларга унинг ўзи жуда ўч.

● **Уяли алоқа хизматлари соҳасидаги бош бухгалтер Тамилла Усмоновна:**

– Ҳа, биз бундай адабиётлардан фойдаланамиз. Масалан, мен ўзимизда, Ўзбекистонда чиқарилаётган, шунингдек яқин хориж мамлакатларида чоп этилаётган, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солишга оид турли китобларни обуна йўли билан оламан. Ишимиз учун бундай китоблар жуда зарур, албатта.

Бундан ташқари даврий матбуот – газета ва журналларга обуна бўлганмиз. Улардан ҳамиша фойдали ва қизиқарли материалларни топса бўлади. Яқинда бизда солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби бўйича ихтисослашган журнал чиқа бошлади. Россияда чиқадиган газета ва журналларга ҳам обуна бўлганмиз.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, маҳаллий нашрлар ҳаддан ташқари кўп реклама беришади. Буни ножоиз деб биламан, одамни жуда чалғитади бундай рекламалар. «Солиқ ва божхона хабарлари»да баъзан кўпчилик газетхонлар учун кераксиз ахборотлар чиқиб қолади. Ўзимизнинг матбуотимиз ҳақида танқидий фикримиз шу, холос.

Бундан ташқари бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот, материаллар сарфиёти, меҳнатга оид муносабатларга тааллуқли кўплаб маълумотнома-китоблардан фойдаланамиз. Раҳбарият бундай китоблар зарурлигини тушунганлиги боис кундалик ишимизда керак бўладиган адабиётлар сотиб олинишига ҳеч қачон монелик қилмайди. Солиқ солиш ва бухгалтерия тўғрисидаги энг янги маълумотларни ўзида жо этган махсус адабиётларни ўзимиз учунгина эмас, филиалларимиз учун ҳам обуна йўли билан оламиз.

● **Тармоқ депозитар компанияси бош бухгалтери Нилуфар Абдураҳимовна:**

– Мен олиш мумкин бўлган адабиётлардан, айниқса «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи» ва бошқа газеталар тўпламларидан фойдаланаман: улардаги мақолалар айниқса қадрли ва оммабоп эканлигини айтмасам бўлмайди. Бизда, шунингдек «Norma» электрон ахборот-ҳуқуқий тизим ўрнатилган. Яқинда бухгалтерия ҳисоби бўйича маълумотнома-китоб ҳам сотиб олдик. Бухгалтер учун керакли махсус адабиётларни бундан кейин ҳам олаверамиз. Умуман, адабиётлардан пулни аямаймиз. Компаниямиз директори бундай адабиётлар қанча кўп бўлса, иш учун шунча яхши деб ҳисоблайди. У ёки бу масала ҳақидаги ҳар хил маълумотларни турли нашрлардан топиш мумкин. Пировард натижада уларнинг ҳаммаси ишда асқотади.

Ҳамонки сизларда «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизими бор экан, маълумотнома-китобларнинг сизга нима кераги бор деб сўрашлари мумкин. Мен бундай китобдан хоҳлаган вақтимда нусха кўчириб олишим ва керакли жойга олиб бориб кўрсатишим мумкин. Бинобарин, ноутбук кўтариб юришимга ҳожат қолмайди. ҳар қандай мавзу бундай китобларда жуда оммабоп қилиб, билимдонлик билан ёзилган. Китоб устида бир гуруҳ аудиторлар ишлаганлиги боис норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмийроқ таърифлари тушунарли, ҳатто олий маълумоти бўлмаган одам ҳам осон «ҳазм қиладиган» тарзда талқин этилган. Барча ҳужжатлар йирикроқ ҳарфда берилган бўлиб, уларни ўқиш кўзни толиқтирмайди. Шу пайтгача хотирам менга сира панд бермаган. Ахборот ёки маълумот яхши ҳарфларда терилган, керакли жойлари қорайтириброқ берилган бўлса, мен дарҳол эслаб қоламан. Аксинча, газетада кичик ҳарфлар билан босилган ўша қарор ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўқисам, гапнинг рости, хотирамда ҳаммаси ҳам сақланиб қолади дея олмайман.

Бундан ташқари маълумотнома-китобда проводкалар берилганлиги жуда яхши иш бўлибди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўқиётганимда бухгалтерия проводкаларини қандай қилиш жоиз эканлигини эслаш учун бошқа бир китобни варақлашга, йўл-йўлакай солиқ солишни тушунтирувчи учинчи бир китобни кўздан кечиришга тўғри келади. Маълумотнома-китобда эса, буларнинг ҳаммаси бир ерга, жамлаб берилган. Шу сабабли амалиётда фойдаланиш учун жуда қулай. Китобнинг битта камчилиги қизиқарли ахборотлар етарлича тўлиқ тўплам ҳолига келтирилмаганлигидир.

«Norma» ахборот-ҳуқуқий тизимида бундай камчилик йўқ. Компьютер «дарча»сига зарур ҳужжатдаги сўзни излаш топшириғи берилса бас: ҳужжат беш йил олдин қабул қилинганми ёки кечагина чиқарилганми, бундан қатъи назар, шундоққина рўпарангизда намоён бўлади. Хуллас, маълумотнома йўсинидаги ҳар қандай воситанинг ўзига хос қулай томони бор...

Мен хусусий фирмада ишламайман, аммо эшитишимча, бундай фирмаларда керакли махсус адабиётлар сотиб олиш ҳақида гап очилгудек бўлса, бухгалтерларнинг оғзини очирмасликка ҳаракат қилишар экан. Уларга «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи» тўпламининг ўзи кифоя эмиш. Булар камлик қилади-ку! Одам машина эмас, ахир. Шу сабабли ҳамма нарсани билиш ва ҳамма нарсани эслаб қолишга бухгалтерлар ҳам қодир эмаслигини наҳотки бундай директорлар тушунмаса?! Ҳамонки бухгалтер экансан, ҳаммасини билишинг керак, шу сабабли махсус адабиёт, китобларнинг сенга кераги йўқ деб ўйлайдиганлар янглишади. Деярли ҳар йили ҳуқуқий ҳужжатларга янгилик киритилишини, халқ хўжалигининг турли тармоқларига, давлат корхоналари қатори хусусий фирмаларга ҳам тааллуқли янги нормалар жорий этилишини инобатга олмаслик мумкин эмас. Борди-ю, бухгалтер ишлаб чиқаришнинг бир соҳасидан бошқа соҳасига ўтган бўлса-чи? Бу соҳадаги бухгалтерия бутунлай бошқача бўлиши табиий-ку! Аммо кўпгина раҳбарлар бухгалтер, айниқса бош бухгалтер молиянинг пири, бу борада унинг олдига тушадигани йўқ, шу сабабли бухгалтерия ишини миридан-сиригача билишлари шарт деб ишонадилар. Аслида эса янги иш жойида ҳар ким ишни янгитдан ўрганиши керак. Тажрибаси бўлган тақдирда ҳам қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлардан, шу соҳага оид ахборотлар оламидаги янгиликлардан хабардор бўлиш талаб этилади. Хуллас, турли адабиётларни сотиб олиш ва уларни ўрганиб боришда гап кўп. Чунки қанча кўп билсак, шунча камроқ хато қиламиз.

Қисқаси, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш бўйича адабиётларнинг кўп бўлиши ҳеч қачон зиён қилмайди деб ўйлайман.

● **Қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқариш соҳасидаги бош бухгалтер Элмира Шокировна:**

– Менимча, бугунги кунда мамлакатимизда бухгалтерия ва солиқ солишга бағишланган адабиётлар етарли. Чунончи, биз «Бухгалтер кутубхонаси» ҳамда «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизимдан, шунингдек мазкур тизим чиқараётган «Амалий бухгалтерия» электрон маълумотномасидан яхши фойдаланмоқдамиз. Шу мавзу бўйича бугунги кундаги мавжуд китоблар етарли деб ўйлайман. Чунки махсус адабиётлар ҳаддан ташқари кўп бўлса, қайси бирини танлаш ва қайси биридан фойдаланишни билмай бошинг қотади.

Корхонамиз раҳбари, масалан, бундай янгиликларга асло қаршилик қилмайди, аксинча ҳамиша бизни қўллаб-қувватлайди. Чунки бутун корхонанинг ва умуман, бизнеснинг ютуғи бухгалтериянинг яхши ишлашига боғлиқ эканлигини у яхши тушунади. Шунинг учун ҳам махсус адабиётларни, маълумотнома-китобларни сотиб олишда бизда муаммога ўрин бўлмайди. «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизимини эса жон-жон деб сотиб олдик, бунга сира ачинмаймиз ҳам. Аксинча, фойдали ишга пул сарфлаганимиздан хурсандмиз. Чунки унда бухгалтерни қизиқтирувчи ахборотлардан ташқари чиқарилаётган барча қонунчилик-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам берилади. Кўриниб турибдики, бу тизим бухгалтерларгагина эмас, балки корхонанинг бошқа ходимларига, шу жумладан раҳбарнинг ўзига ҳам керак (вақти-вақти билан гоҳ у, гоҳ бу қарорни кўрсатишимизни сўрайди).

«Norma» ахборот-ҳуқуқий тизимини яратганларга минг раҳмат!

***Ўтган ҳафта саволларига жавобларни Олег БУРЕНОВ ёзиб олди.***

## КЕЛГУСИ ҲАФТАНИНГ САВОЛИ:

***МАНА, ЙИЛНИНГ ЯРМИ ТУГАБ, СОЛИҚ ВА СТАТИСТИКА ОРГАНЛАРИГА, ХАЛҚ БАНКИГА ҲИСОБОТЛАР ТОПШИРДИНГИЗ. АНА ШУ ТУЗИЛМА ХОДИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ СИЗДА ҚАНДАЙ ТААССУРОТЛАР ҚОЛДИРДИ? НИМАДАН ХУРСАНД БЎЛДИНГИЗУ, НИМАЛАРДАН КЎНГЛИНГИЗ ТЎЛМАДИ? СИЗГА ҚОЛСА, НИМАЛАРНИ ЎЗГАРТИРГАН БЎЛАРДИНГИЗ?***



Жавобларингизни **144-44-45** факси ёки **normapress@mail.ru** электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Сўровимизнинг энг фаол иштирокчилари ярим йиллик якунлари бўйича таҳририятнинг махсус соврини билан мукофотланадилар.

**Келгуси муҳокамалар учун саволларингизни юборишни ҳам унутманг.**

# УЧРАШУВ ЖОЙИ ЎША, ЎЗГАРМАГАН

***Таҳририятдаги бу учрашувга «Ҳафтанинг салмоқли саволи» деган ном билан ярим йил муқаддам бошланган сўровимиз якунлари бўйича совриндорларни мукофотлаш сабаб бўлди. Бу тадбирдан бизнинг ўзимиз ҳам янги фикр, ғоялар кутган эдик...***

Сен ҳақингда яқинларинг ғамхўрлик қилса, чин юракдан лутф, эҳтиром кўрсатса, совға тақдим этса, ёш болалардек қувончингни яшира олмай қоласан киши. Яхшиликлар, қувончу шодликлар кўпроқ бўлишини истаймиз. Ишда ҳамиша банд бўлиб, баъзан бош қашишга ҳам фурсатинг бўлмаслигига, амалий учрашувлар ва кундалик ташвишларга қарамай, кимларгадир яхшилик қилгинг келади... Ўз шериклари ғамхўрлигини кўрган ва ҳис этган компаниялару одамлар ҳам шу ҳолга тушадилар. Бундай қараганда, сиз билан биз шерикмиз, чунки бизнесингиздаги муаммоларни бартараф этишда, улардан холи бўлишингизда сизларга кўмаклашамиз. Ҳаммамиз энг аввало башар фарзандимиз, шундан кейингина мен боғбонман, деҳқон, журналист, бухгалтер, директорман дея кўкрак кера оламиз. Газетхонларимиздан Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-текшириш институти бош бухгалтери **Галина Татарисова** ва **«EMILIA BARAKA» масъулияти чекланган жамият директори Рагида Нурмуҳаметова**нинг қувончлари чексиз бугун. Уларга сўровимиз совриндорлари сифатида таҳририятнинг миннатдорчилик сўзлари битилган хат ва қимматбаҳо совғалар – ошхона процессори билан кофе қайнатгич комплекти топширилди.



Галина билан Рагида ҳаяжонларини яшира олмадилар. Турли компаниялар ёки оммавий ахборот воситалари аллақандай тадбир, танлов ўтказаётганини эшитиш бошқа-ю, бундай воқеаларда шахсан иштирок этиш бутунлай бошқа экан. Уларнинг шодлиги, юз-кўзларидаги қувончни кўрсангиз эди.... Айтмоқчи, Рагида қизчаси билан келган экан. Қизалоқ катта бўлиб, нашримиз муштарийларидан бири бўлиб қолади дея ният қилдик.

Газетхонларимиз билан танишув, мулоқот яхши самара бериши турган гап. Чунки уларнинг истак ва талаб-эҳтиёжларини, газетамиз саҳифаларидаги материалларга баҳоларини билиш нашрларимизни янада такомиллаштириш учун тегишли чора-тадбирлар кўришимизга омил бўлади. Шу сабабли сизнинг, азиз газетхон, қўнғироқларингизга, хатларингиз, фикр-мулоҳазаларингизга ҳамиша муштоқ ва интиқмиз. Вақт топиб, хоҳиш-истак билдириб, ишимиз ҳақида ўз фикрини билдирган, саволларимизга жавоб йўллаганларга алоҳида миннатдорчилик билдирамиз.

«Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» саҳифалари турли нуқтаи назарлар учун ҳамиша очиқ. Бундан буён ҳам, азиз муштарий, сиз билан доимий мулоқотдан умидвормиз, қўллаб-қувватлашингиз ва иштирокингизни, айниқса, «ҳафтанинг салмоқли саволи» юзасидан жавобларингизни кутамиз. Газетамизда яна қандай рукнлар бўлишини, қайси мавзуларда мақолалар ўқишни, умуман газета юзини қандай кўришни истаётганлигингизни ёзиб юборинг.

Нашрларимизга бўлган қизиқишлари учун муштарийларга яна бир бор миннатдорчилик билдириш баробарида 2008 йил учун обуна кампанияси бошланганлигини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз.



Дарвоқе, совриндорларимиз севимли газеталарига обунани аллақачон расмийлаштириб қўйишибди.

Ҳаммангизга раҳмат, азиз газетхонлар! Газетамиз саҳифаларида учрашгунча деб хайрлашар эканмиз, учрашув жойи ўша, ўзгармаганлигини яна бир карра эслатамиз.

***Таҳририят.***

**СЎНГСЎЗ.** *Реклама берувчиларимизга, шериклар ва муассисларимизга алоҳида миннатдорчилик сўзларини изҳор этамиз. Негаки, уларнинг мададисиз шу рукн остида материалларни изчил бериб бориш қийин.*


ОМАДНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМА!
Омадли
янги тариф режаси
ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ
1000 ДАҚИҚА - ОЙИГА $ 25!
Хизматлар лицензияга эга. Қўнғироқлар нархи ЎзРМБнинг АҚШ долларига нисбатан қийматида кўрсатилган. Барча соликлар ҳисобга олинган.
ISO 9001:2000
Тел.: (8598) 305-1111
www.cdma.uz
PerfectumMobile
CDMA
Dreams Come True!

# ИНВЕСТИЦИЯ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

## ИНВЕСТОРДА СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

ИНВЕСТОРНИ солиққа тортишда қуйидаги асосий қоидаларни ажратиш мумкин:

– корхоналар, акциялар, улушларни бепул олиш юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиққа тортилмайди *(Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 368-сон қарори);*

– олди-сотди шартномасини бекор қилиш ва илгари инвестиция мажбуриятларини сўндириш ҳисобига киритилган мол-мулкни инвесторга қайтармаслик чоғида юзага келадиган зарарлар фойда солиғи ҳисоб-китоби пайтида оқибатларга эга бўлиши мумкин (қайтадан киритиш). Хусусан, корхона асосий воситалари ва бошқа мол-мулкни (активи)нинг чиқиб кетишидан зарарлар Харажатлар таркиби тўғрисида низомга 1-илованинг 1.39-бандига асосан қайтар ҳисоб билан киритилиши керак. Бу нарса бўнаклар ва капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари орқали активларни акс эттиришнинг 1 ва 3-вариантларига таалluқлидир;

– узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0600) орқали ҳисоб вариантида солиқ солиш мақсадида «реализация» тушунчаси аниқлаштирилмаганлиги билан боғлиқ муайян хатарлар юзага келиши мумкин. Солиқ кодексининг 22-моддасига кўра қимматли қоғозлар реализация қилинганида вужудга келган зарарлар жами даромаддан чегириб ташланмайди. Бухгалтерия ҳисобида мол-мулкнинг ҳар қандай чиқиб кетиши 9200-«Асосий воситалар ва бошқа активлар чиқиб кетишини ҳисобга олиш ҳисобварақлари» ҳисобварағи орқали ўтказилади. Тегишинча, акциялар, пайлар (улушлар) чиқиб кетишидан зарарлар ҳам фойда солиғи ҳисоб-китобида қайтар ҳисоб билан солиқ солинадиган базага киритиладиган мол-мулк чиқиб кетиши чоғидаги зарарлар сифатида баҳоланиши мумкин *(1-илованинг 1.39-банди).*

Корхоналарнинг акциялари, улушларини ноль даражали қиймати бўйича харид қилаётганларида ягона солиқ тўлови тўловчилари учун солиқ оқибатлари қонун йўли билан белгиланмаган. Ушбу масала бўйича махсус қонун ҳужжатларида қарорлар қабул қилишга қадар корхоналар акциялари, улушларини ноль даражали қиймат бўйича харид қилиш чоғида ягона солиқ тўлови (ЯСТ)ни тўлаш кўринишида имтиёзни қўллаш керак эмас. ЯСТ ҳисоб-китоби чоғида инвестиция мажбуриятлари бажарилмаслиги муносабати билан олди-сотди шартномасини бекор қилаётганда юзага келадиган зарарлар ҳисобга олинмайди.

*Бошланиши 2007 йил 20 июлдаги 29-сонда.*

## ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОБЪЕКТИ БЎЛГАН КОРХОНАДА ҲИСОБ

ИНВЕСТИЦИЯЛАР объекти бўлган корхонада ҳисоб ёзувларини белгилаётганда инвестиция мажбуриятларини сўндириш ҳисобига барча тушумларнинг мақсадли хусусиятдалиги асосий омил ҳисобланади, ушбу тушумлар қатъиян мақсадга, муайян режага кўра ишлатилиши керак. Инвестиция мажбуриятлари бажарилганидан кейин инвесторга акциялар, улушлар пакетига эгалик ҳуқуқи берилади ва қўйилган инвестициялар суммасига инвестициялар объекти бўлган корхонанинг устав капиталини кўпайтиришга рухсат берилади. Шунингдек, инвестор ҳисобида бўлганидек, тушумларнинг бухгалтерия ҳисобига ва мақсадли тушумлар (инвестициялар)дан фойдаланишга бир неча ёндашувларни ажратиш ҳам мумкин:

1) тушумлар мақсадли ҳисобланади, шу сабабли уларнинг ҳисоби солиқ имтиёзларини қўллаш оқибатида маблағлар бўшашидан мақсадли тушумларга ўхшаш тарзда ташкил этилиши керак. Яъни мақсадли инвестиция қўйилмаларининг ҳисоби Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низомга *(МВ, ДСҚ ва ДБҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 2 апрелда 1463-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* мувофиқ юритилиши керак. Мазкур Низомга кўра инвестиция тушумлари ҳисобига тўланадиган жорий харажатлар (ижара, иш ҳақи тўланиши, ижтимоий суғуртага ажратмалар ва б.) мақсадли тушумларни камайтиришга ҳисобдан чиқарилиши керак, инвестиция тушумлари ҳисобига харид қилинган асосий воситалар эса балансга умумқабул қилинган ёзувлар бўйича киритилади, амортизация ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилади. Келиб тушган чоғда резерв капиталнинг 8530-«Текинга олинган мол-мулк» ҳисобварағи билан корреспонденцияда мақсадли тушумлар ҳисобварағи камаяди;

2) бошқа позиция қуйидаги ҳолатга асосланган: келиб тушаётган мол-мулк мақсадли ҳисобланади, бироқ инвестор инвестиция мажбуриятларини бажариш тугалланганидан сўнг ушбу суммани устав капиталини кўпайтиришга йўналтириши мумкин. Шундан келиб чиқиб, мақсадли тушумлар суммаси алоҳида ҳисобга олиниши керак, токи тугалланганидан сўнг у устав капиталини тўлдиришга йўналтирилсин. Тегишинча инвестиция мажбуриятларини бажариш даври мобайнида фақат дебиторлик қарзи сўндирилиши керак, мақсадли тушумлар ҳисобварағи эса ўзгармай қолади (олди-сотди шартномаси бўйича инвестор қабул қилган мажбуриятлар суммаси бўйича). Мақсадли тушумлар ҳисобига қилинган жорий харажатлар мақсадли тушумлар суммаларини камайтиришга эмас, балки харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақларига киритилади.

Мақсадли тушумлар моҳиятини тушунишга ёндашишлардан келиб чиқиб, инвестициялар объекти бўлган корхонада инвестиция тушумлари ҳисобининг икки вариантини ажратиш мумкин.

**1-вариант**

**Инвестициялар объекти бўлган корхонада** инвестиция мажбуриятларининг ҳисоби қуйидаги проводкалар билан акс эттирилади:

а) унга акциялар, пайлар (улушлар) инвестиция мажбуриятлари суммаси киритилган нарҳда сотилганда инвесторнинг инвестиция мажбуриятлари акс эттирилади:

4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзи» ҳисобварағи дебети

8890-«Бошқа мақсадли тушумлар» ҳисобварағи кредити (ёки махсус очилган 8850-«Инвестиция мажбуриятлари» ҳисобварағида);

б) инвестиция мажбуриятларини сўндириш ҳисобига пул маблағларининг келиб тушиши:

5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи дебети

5210-«Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари» ҳисобварағи дебети


РЕКЛАМА

NORMA® ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ НАШРИЁТ

НАШРИЁТИДА ҚУЙИДАГИЛАР СОТУВДА МАВЖУД:


МЕҲНАТ КОДЕКСИ
(ўзбек ва рус тилларида)
7000 сўм.


ЖИНОЯТ КОДЕКСИ
(ўзбек ва рус тилларида)
8000 сўм.


«3000 БУХГАЛТЕРСКИХ ПРОВОДОК ПО НОВОМУ ПЛАНУ СЧЕТОВ»
(2-жилдда)
муаллиф – Ф. Ғуломова
1 жилди 5000 сўм.


СУДЕБНАЯ ПРАКТИКА
Муаллиф – Артём Мокшин
6000 сўм.


БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИГА ДОИР НИЗОМЛАР
5000 сўм.


«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР БЎЙИЧА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ»
(I-II жилд)
1 жилди 5000 сўм.


«СБОРНИК НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ ПО НАЛОГАМ И СБОРАМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН»
(II жилд)
Масъул муҳаррир – Л.Югай
1 жилди 3000 сўм.


«ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНГА СОЛИҚ СОЛИШ»
(Ер кодекси, ер кадастри)
А.Латипов таҳририда
(ўзбек ва рус тилларида)
4000 сўм.


«УЧЕТНАЯ ПОЛИТИКА ПРЕДПРИЯТИЯ»
Муаллиф – Ф.Ғуломова
3200 сўм.


«САМОУЧИТЕЛЬ ПО БУХГАЛТЕРСКОМУ УЧЕТУ»
Муаллиф – Ф.Ғуломова
5000 сўм.


«УЧЕТ И НАЛОГООБЛОЖЕНИЕ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ И НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ»
Муаллифлар – Э.Гадоев, Н.Ҳасанов, Л.Югай
3200 сўм.


«СБОРНИК НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ ПО БУХГАЛТЕРСКОМУ УЧЕТУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН»
(II-III жилд)
(ЎзР Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари тўлиқ берилган)
Масъул муҳаррир – Х.Ортиқов
1 жилди 4000 сўм.


«ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ - 2005»
(2006 йил иловаси билан)
Муаллифлар – Э.Гадоев, Л.Югай
3500 сўм.


«КОРХОНАЛАРДА ИШ ҲАҚИ»
Муаллифлар – Н.Ҳасанов, Ш.Ҳайдаров, Л.Югай
Китобда корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобини ёритиб берувчи масалалар кўриб чиқилган ва солиқ оқибатлари очиб берилган
(ўзбек ва рус тилларида)
3600 сўм.

Буюртманомаларни қуйидаги манзилда расмийлаштиришингиз мумкин: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй. Харид масалалари бўйича 144-44-29, 132-18-80 тел./факсларига мурожаат қилинг.

УШБУ КИТОБЛАРНИ ҚУЙИДАГИ КИТОБ ДЎКОНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

“Yuridik adabiyotlar”, манзил: Тошкент ш., Сайилгоҳ кўч., 35-уй (мўлжал – Тошкент давлат юридик институти), тел.: 136-73-98; Тошкент ш., Бобур кўч., 40А. тел.: 363-55-47

“Sharq ziyokori”, манзил: Тошкент ш., Бухоро кўч., 26-уй (мўлжал – Навоий номидаги ДАБТ), тел.: 133-58-72

ва унинг ҳудудий филиалларида:

Андижон ш., А.Навоий шоҳк., 71, тел.: (374-2) 55-05-02. Бухоро ш., Иқбол кўч.,11, тел.: (365-2) 23-75-96. Самарқанд ш., Университет хиёбони 12, тел.: (366-2) 33-23-68.
Жиззах ш., Ш.Рашидов кўч., (мўлжал – Оқбозор биноси), тел.: (372-2) 26-42-93 Навоий ш., Ўзбекистон кўч., 11, тел.: (436-2) 23-01-30 Қарши ш., 7-микрорайон, 9, тел.: (375-2) 27-77-00.
РАММ Навоий бўлими: Навоий ш., Павлов кўч., 6-уй, тел.: (436-2) 23-25-33.

Китоб дўконлари эгалари ва сотувчиларини ҳамкорликка таклиф қиламиз.

# ҲИСОБ ВА СОЛИҚ СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзи» ҳисобварағи кредити.

**Айни вақтда** мақсадли тушумлар ҳисобварағи камаяди:

8890-«Бошқа мақсадли тушумлар» ҳисобварағи дебети

9380-«Текин молиявий ёрдам» ҳисобварағи кредити;

в) инвестиция мажбуриятларини сўндириш ҳисобига ускуна олиш:

0700-«Ўрнатиладиган ускуна» ҳисобварақлар гуруҳи дебети

6010-«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағи кредити

4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзи» ҳисобварағи кредити.

**Айни вақтда** мақсадли тушумлар ҳисобварағи камаяди:

8890-«Бошқа мақсадли тушумлар» ҳисобварағи дебети

8530-«Текинга олинган мол-мулк» ҳисобварағи кредити;

*(Ускуна монтаж қилиниб, фойдаланишга топширилганидан кейин унга доир амортизация ҳисоблаб ёзилади. Амортизация суммаси тегишли харажатларга киритилади:*

2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи дебети

2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» ҳисобварағи дебети ва б.

асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0200) кредити);

г) инвестиция мажбуриятларини сўндириш ҳисобига материаллар олиниши:

Материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (1000) дебети

6010-«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағи кредити

4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзи» ҳисобварағи кредити.

**Айни вақтда** мақсадли тушумлар ҳисобварағи камаяди:

8890-«Бошқа мақсадли тушумлар» ҳисобварағи дебети

8530-«Текинга олинган мол-мулк» ҳисобварағи кредити;

д) бюджет ва мақсадли жамғармалар олдидаги қарзни инвестиция мажбуриятлари ҳисобига сўндириш:

6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» ҳисобварағи дебети

6520-«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар» ҳисобварағи дебети

5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи кредити;

е) республика ҳукумати кафолати остида олинган кредитлар бўйича қарзни сўндириш акс эттирилади:

6810-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ҳисобварағи дебети

6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлр – жорий қисм» ҳисобварағи дебети

5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи кредити

5210-«Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари» ҳисобварағи кредити.

Эмитент корхонанинг жорий харажатлари (иш ҳақи, ижтимоий суғуртага ҳисоблаб ёзишлар ва б.) харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақларига эмас, балки мақсадли молиялаш суммаларини камайтиришга (башарти ушбу харажатлар мақсадли тадбирлар рўйхатига киритилса) ҳисобдан чиқарилади:

8890-«Бошқа мақсадли тушумлар» ҳисобварағи дебети

6010-«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағи кредити

6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи кредити ва б.

*(Бундай проводка Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низомга кўра берилади. Бунда ушбу суммага бажарилган инвестиция мажбуриятлари суммаси ва устав капиталига ўтказиладиган резерв капиталдаги сумма мос келмайди).*

Инвестор ўз мажбуриятларини бажариши чоғида акциялар, пайлар (улушлар)га эгалик ҳуқуқи унга ўтади. Ҳисобда қўшимча проводкалар керак эмас, устав капитали бўйича таҳлилий ҳисобда корхона муассислари (мулкдорлари) ўзгартирилади.

Агар бажарилган инвестиция мажбуриятлари суммаси инвесторнинг хоҳишига кўра устав капиталига йўналтирилса, ҳисобда устав капиталини ўзгартириш ушбу ўзгартиришлар таъсис ҳужжатларида рўйхатдан ўтказилганидан сўнг акс эттирилади.

Бажарилган инвестиция мажбуриятлари суммалари ҳисобига устав капиталининг кўпайиши:

8530-«Текинга олинган мол-мулк» ҳисобварағи дебети

8300-«Устав капиталини ҳисобга олиш ҳисобварақлари» ҳисобварағи кредити.

Агар инвестор устав капиталини бажарилган инвестиция мажбуриятлари суммалари ҳисобига кўпайтиришдан бош тортса, ҳеч қандай проводка бериш керак эмас.

Инвестор инвестиция мажбуриятларини олди-сотди шартномасига кўра тўлиқ ҳажмда бажармаганда акциялар, пайлар (улушлар)га эгалик ҳуқуқи унга берилмайди ҳамда у киритган барча сотиб олиш тўловлари ва бажарган мажбуриятлари қайтарилмайди.

**2-вариант**

**Инвестициялар объекти бўлган корхонада** инвестиция мажбуриятлари ҳисоби қуйидаги проводкалар билан акс эттирилади:

а) инвестор акциялар, пайлар (улушлар)ни инвестиция мажбуриятларини ўз ичига олган нархда реализация қилганда инвестиция мажбуриятлари акс эттирилади:

4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзи» ҳисобварағи дебети

8890-«Бошқа мақсадли тушумлар» ҳисобварағи кредити (ёки махсус очилган 8850-«Инвестиция мажбуриятлари» ҳисобварағида);

б) инвестиция мажбуриятларини сўндириш ҳисобига пул маблағларининг келиб тушиши:

5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи дебети

5210-«Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари» ҳисобварағи дебети

4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзи» ҳисобварағи кредити;

в) инвестиция мажбуриятларини сўндириш ҳисобига ускуна олиниши:

0700-«Ўрнатиладиган ускуна» ҳисобварақлар гуруҳи дебети

6010-«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағи кредити

4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзи» ҳисобварағи кредити;

*(Ускуна монтаж қилиниб, фойдаланишга топширилганидан кейин унга доир амортизация ҳисоблаб ёзилади. Амортизация суммаси тегишли харажатлар моддаларига киритилади:*

*2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи дебети*

*2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» ҳисобварағи дебети ва б.*

*асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0200) кредити);*

г) инвестиция мажбуриятларини сўндириш ҳисобига материалларнинг олиниши:

1000-«Материаллар» ҳисобварақлар гуруҳи дебети

6010-«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағи кредити

4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзи» ҳисобварағи кредити;

*(Материаллардан ишлаб чиқаришда фойдаланганда уларнинг қиймати маҳсулот таннархига киритилади:*

*2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи дебети*

*2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» ҳисобварағи дебети ва б.*

*материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (1000) кредити);*

д) инвестиция мажбуриятлари ҳисобига бюджет ва мақсадли жамғармалар олдидаги қарзни сўндириш:

6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» ҳисобварағи дебети

6520-«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар» ҳисобварағи дебети

5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи кредити;

е) республика ҳукумати кафолати остида олинган кредитлар бўйича қарзни сўндириш акс эттирилади:

6810-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ҳисобварағи дебети

6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар – жорий қисм» ҳисобварағи дебети

5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи кредити

5210-«Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари» ҳисобварағи кредити;

ж) эмитент корхонанинг жорий харажатлари (иш ҳақи, ижтимоий суғуртага ҳисоблаб ёзишлар ва б.) ҳисобдан чиқарилади:

2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи дебети

2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» ҳисобварағи дебети ва б.

6010-«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағи кредити

6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи кредити ва б.

Эгалик ҳуқуқи акциялар, пайлар (улушлар)га ўтганида инвесторга қўшимча проводкалар берилмайди. Таҳлилий ҳисобда устав капитали бўйича корхона муассислари (мулкдорлари) таркибидаги ўзгаришлар акс эттирилиши керак.

Инвестиция мажбуриятлари суммаларини устав капиталига ўтказиш ҳисобда таъсис ҳужжатларидаги ўзгартишлар рўйхатдан ўтказилганидан сўнг акс эттирилади:

8890-«Бошқа мақсадли тушумлар» ҳисобварағи дебети

Устав капиталини ҳисобга олиш ҳисобварақлари (8300) кредити.

Агар инвестор устав капиталини бажарилган инвестиция мажбуриятлари суммалари ҳисобига кўпайтиришдан бош тортса, 8890-«Бошқа мақсадли тушумлар» ҳисобварағини резерв капитали ҳисобига ёпиш керак:

8890-«Бошқа мақсадли тушумлар» ҳисобварағи дебети

8530-«Текинга олинган мол-мулк» ҳисобварағи кредити.

Инвестор инвестиция мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажармаганда олди-сотди шартномасига кўра акциялар, пайлар (улушлар)га эгалик қилиш ҳуқуқи унга берилмайди, у киритган барча сотиб олиш тўловлари ва бажарилган мажбуриятлар эса қайтарилмайди. Ҳисобда бу ҳам қуйидаги ёзувда акс эттирилиши керак:

8890-«Бошқа мақсадли тушумлар» ҳисобварағи дебети

8530-«Текинга олинган мол-мулк» ҳисобварағи кредити

4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзи» ҳисобварағи кредити.

Инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳисобига олинган пул маблағлари қуйидаги ёзув билан 9380-«Текин молиявий ёрдам» ҳисобварағига кўчирилиши керак:

8890-«Бошқа мақсадли тушумлар» ҳисобварағи дебети

9380-«Текин молиявий ёрдам» ҳисобварағи кредити.



Эмитент корхона ҳисобида биринчи вариант асосли ҳисобланади, чунки у худди шундай тушумлар ҳисоби учун тавсия қилинган қоидаларни қўллайди. Бироқ бизнингча, кўпроқ тушунарли ва мантиққа мос вариант иккинчисидир. Инвестор сингари инвестициялар объекти бўлган корхона ҳам ҳисоб бўйича қўлланилаётган қоидаларни ўз ҳисоб сиёсатида мустаҳкамлаши лозим.

### ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОБЪЕКТИ БЎЛГАН КОРХОНАДА СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

ИНВЕСТИЦИЯЛАР объекти бўлган корхонага солиқ солишда аввало меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган солиқ позициялари ажратилиши керак:

– корхона томонидан мол-мулк олиниши даромад (фойда) солиғига тортиш объекти ҳисобланмайди *(Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 368-сон қарори)*. Бунда ҳам инвестиция мажбуриятларини сўндиришга инвесторлардан мақсадли маблағлар, мол-мулк олиниши чоғида ягона солиқ тўлови бўйича имтиёз кўрсатилмайди.

Инвестициялар объекти бўлган корхонага солиқ солишдаги асосий масала инвестор ўз мажбуриятларини бажармаган ва олди-сотди шартномасини бекор қилган тақдирда юзага келади. Бу ҳолда илгари корхона мажбуриятларни сўндириш ҳисобига олган ва инвесторга қайтарилмайдиган мол-мулкка қандай қараш мумкин? Мазкур ҳолда Солиқ кодексининг 10-моддасига амал қилиш керак, унга кўра юридик шахсларнинг даромадлари ва солиқларни ҳисоблаб чиқариш учун улар бўйича чегирмалар улар тааллуқли бўлган ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида мақсадли тушумлар ҳисобварағи, корхона мақсадли тушумларни бундан кейин ҳисобга олиш учун асос йўқлиги муносабати билан текинга олинган мол-мулк сифатида резерв капитал ҳисобига ёпилади. Ёзувлар қуйидагича бўлади:

8890-«Бошқа мақсадли тушумлар» ҳисобварағи дебети

8530-«Текинга олинган мол-мулк» ҳисобварағи кредити.

Пул маблағлари кўринишида мақсадли тушумлар қуйидаги ёзув билан акс эттирилиши керак:

8890-«Бошқа мақсадли тушумлар» ҳисобварағи дебети

9380-«Текин молиявий ёрдам» ҳисобварағи кредити.

Шу тариқа корхона даромадни инвестор билан шартнома тугатилган даврда тан олади. бундай даромадлар бошқа операцион даромадлар деб тан олинади ва белгиланган ставка бўйича фойда солиғига тортилади.

**Лидия ЮГАЙ,**
**БМТ РД дастури эксперти.**

Давоми бор.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНЛАРИ:**

– «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-II-сонли қарорининг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»;

– «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида».

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

– «Республика бюджет ташкилотларининг молия-иқтисод хизматлари ходимлари сонини мақбуллаштириш тўғрисида».

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

– «Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («Олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби тўғрисида».

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР МББнинг «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

● **МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2007 ЙИЛ 14 ИЮЛДАН 27 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР ТАРМОҚЛАРИДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

***Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 17 апрелда қабул қилинган***
***Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланган***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 29-30-сон, 294-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312, 313-моддалар, № 12, 415, 416-моддалар; 2006 йил, № 6, 259, 260-моддалар, № 10, 536-модда, № 12, 660-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **31-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **29-банд** билан тўлдирилсин:

«29) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини текинга топшириш ва (ёки) олишдан, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ҳамда уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлардан олинган даромадлар (фойда) бўйича»;

2) **71-модданинг:**

**биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **37-банд** билан тўлдирилсин:

«37) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларининг, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматларнинг қиймати»;

**иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсин:

«9) ваколатли органнинг ёзма тасдиғи бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситалари»;

3) **92-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларининг».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **«Бож тарифи тўғрисида»**ги 470-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 228-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **33-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ваколатли органнинг ёзма тасдиғи бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситалари».

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 12 июль,*
*ЎРҚ–101-сон.*

Хизматлар лицензияланган
KAPITALBANK 132 - 07 - 03
Бир мақсадга интилиб
Муваффақиятга эришамиз

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ 2001 ЙИЛ 12 МАЙДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «АМАЛГА ОШИРИЛИШИ УЧУН ЛИЦЕНЗИЯЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ 222–II-СОНЛИ ҚАРОРИНИНГ 1-ИЛОВАСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 22 мартда қабул қилинган***
***Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланган***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 29-30-сон, 295-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдa қабул қилинган **«Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»**ги 222–II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) **1-иловасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **тўққизинчи хатбоши** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш»;

2) қуйидаги мазмундаги **етмиш иккинчи** ва **етмиш учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

Микрокредит ташкилотлари фаолияти».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг***
***Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 17 июль,*
*ЎРҚ–102-сон.*

**Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 18 июлда эълон қилинган.*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 27 февралда қабул қилинган***
***Сенат томонидан 2007 йил 30 июнда маъқулланган***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 29-30-сон, 297-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»**ги 918–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 325-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда, № 12, 413-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модда:**

**иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «корхоналарнинг облигациялари» деган сўзлар «корпоратив облигациялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи — тўққизинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Корпоратив облигацияларни фақат очиқ акциядорлик жамиятлари:

аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан тасдиқланган ўз капиталининг облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги миқдори доирасида;

кейинги уч йил мобайнида рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидликнинг аудиторлик ташкилоти хулосалари билан тасдиқланган ижобий кўрсаткичларига эга бўлса, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил рейтинг баҳосини олган бўлса;

инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўланиши бўйича тўлов агентлари вазифаларини бажарувчи тижорат банклари иштирокида чиқариши мумкин.

Корпоратив облигациялар ўз эгаларига очиқ акциядорлик жамиятини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини бермайди.

Корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарор очиқ акциядорлик жамиятининг бошқарув органи томонидан ушбу Қонунга ва жамият уставига мувофиқ қабул қилинади ҳамда баённома билан расмийлаштирилади.

Корпоратив облигацияларни эмитентларнинг устав фондини шакллантириш ва тўлдириш учун, шунингдек эмитентларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплаш учун чиқаришга йўл қўйилмайди.

Корпоратив облигациялар чиқаришга фақат очиқ акциядорлик жамиятининг устав фонди тўлиқ тўланганидан кейин йўл қўйилади»;

2) **11-модданинг учинчи** ва **тўртинчи қисмларида-ги** «корхоналарнинг облигацияларини» деган сўзлар «корпоратив облигацияларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **32-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ёпиқ акциядорлик жамияти облигацияларни жойлаштиришга ҳақли эмас»;

2) **65-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жамият кузатув кенгашининг ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир, шу жумладан жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир ҳисоботларини эшитиш»;

**ўн тўртинчи — ўн тўққизинчи хатбошилари** тегишинча **ўн бешинчи — йигирманчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **74-моддаси учинчи қисмининг учинчи жумласи** қуйидаги мазмундаги **жумлалар** билан алмаштирилсин:

«Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан бериладиган овоз беришга доир ишончно-

**Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 24 июлда эълон қилинган.*

ма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади»;

4) **82-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи** ва **ўн учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«агар жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш жамият уставида кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган бўлса ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кузатув кенгашига топширилмаган бўлса, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш»;

**ўн иккинчи — йигирма иккинчи хатбошилари** тегишинча **ўн тўртинчи — йигирма тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) қуйидаги мазмундаги $110^{1}$-модда билан тўлдирилсин:

**«$110^{1}$-модда. Ички аудит хизмати**

Активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади»;

6) **111-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Устав фондидаги давлат улуши эллик фоиздан кўп бўлган жамиятларда аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312, 313-моддалар, № 12, 415, 416-моддалар; 2006 йил, № 6, 259, 260-моддалар, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **16-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Юридик шахс бўлган акциядорнинг ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав фондини (капиталини) кўпайтириш учун йўналтириш чоғида қўшимча акциялар қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олинган даромадлари (фойдаси) солиқ солиш объекти бўлмайди»;

2) **58-модданинг «с» банди** «суммалари, шунингдек» деган сўзлардан кейин «ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав фондини (капиталини) кўпайтириш учун йўналтириш чоғида қўшимча акциялар қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олинган даромадлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **71-модда биринчи қисмининг 5-бандидаги** «ва сақлаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган **«Хўжалик ширкатлари тўғрисида»**ги 308–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 8-модда) **26-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши эллик фоиздан ортиқ бўлган ширкатларда аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилади».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган **«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»**ги 310–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **27-модданинг иккинчи қисмидаги** «облигациялар ҳақини тўлаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **28-модда** чиқариб ташлансин;

3) **30-модда иккинчи қисмининг:**

**ўн биринчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**ўн иккинчи — ўн олтинчи хатбошилари** тегишинча **ўн биринчи — ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

4) **38-модда иккинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамиятнинг уставида жамиятнинг кузатув кенгаши ваколатлари жумласига жамиятнинг ижро этувчи органларини тузиш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, ушбу Қонуннинг 44-моддасида назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, шунингдек ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш киритилиши назарда тутилиши мумкин»;

5) қуйидаги мазмундаги **$45^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$45^{1}$-модда. Ички аудит хизмати**

Активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Жамиятнинг кузатув кенгаши ички аудит хизматини ташкил этади ва унинг ходимларини тайинлайди. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Ички аудит хизмати жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади»;

6) **46-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши эллик фоиздан ортиқ бўлган жамиятларда аудиторлик

текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилади»;

7) **47-модда** чиқариб ташлансин;

8) **48-модда биринчи қисмининг:**

**еттинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**саккизинчи — ўнинчи хатбошилари** тегишинча **еттинчи — тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг***
***Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 23 июль,*
*ЎРҚ-104-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МОЛИЯ-ИҚТИСОД ХИЗМАТЛАРИ ХОДИМЛАРИ СОНИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 27-28-сон, 281-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 26 февралдаги ПФ–3857-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 28 февралдаги ПҚ–594-сон қарорига мувофиқ ҳамда Давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтилиши муносабати билан бюджет ташкилотларининг молия-иқтисод хизматлари ходимлари сонини мақбуллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиб олинган бюджет ташкилотларининг молия-иқтисод хизматлари ходимлари сонини 2007 йилнинг 1 июлидан бошлаб белгиланган тартибда иловага* мувофиқ қисқартириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Мазкур қарор иловасида кўрсатилган вазирлик ва идоралар, шунингдек ҳудудий молия органлари 2007 йилнинг 15 июлигача идоралар қошидаги бюджет ташкилотларининг молия-иқтисод хизматлари ходимлари сонини қисқартириш бўйича бажарилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ахборот тақдим этсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2007 йилнинг 15 августигача мазкур қарорда назарда тутилган бюджет ташкилотларининг молия-иқтисод хизматлари ходимлари сонини қисқартиришни ҳисобга олган ҳолда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штат жадваллари қайтадан рўйхатга олинишини таъминласин;

бюджет ташкилотларининг молия-иқтисод хизматлари ходимлари сонини қисқартириш муносабати билан бўшайдиган маблағларнинг юридик шахс мақомига эга умумтаълим мактаблари (мактаб-интернатлари)ни молия-иқтисод соҳасидаги тегишли штат лавозимлари билан тўлдириш учун йўналтирилишини таъминласин;

Давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтилиши муносабати билан ходимлар сонини қисқартириш натижаларини синчиклаб таҳлил қилиш асосида бюджет ташкилотлари — вазирлик ва идоралар ходимлари сонини тартибга солиш ва мақбуллаштириш ишларини давом эттирсин.

Кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида 2007 йилнинг 1 сентябригача ва 2008 йилнинг 1 апрелигача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълумот берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, бюджет ташкилотлари молия-иқтисод хизматларининг қисқартирилаётган ходимларини ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрсин ва кўмаклашсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг***
***Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 26 июнь,*
*ПҚ–660-сон.*

---

***Илова рус тилидаги матнда берилади.**

*ПРИЛОЖЕНИЕ*
*к постановлению Президента РУз*
*от 26 июня 2007 года N ПП-660*

## ЧИСЛЕННОСТЬ СОКРАЩАЕМЫХ РАБОТНИКОВ ФИНАНСОВО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ СЛУЖБ БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РАЗРЕЗЕ МИНИСТЕРСТВ И ВЕДОМСТВ

| N | Министерства и ведомства | Общая численность работников финансово-экономических служб бюджетных организаций (единиц) | Сокращаемая численность | |
|---|---|---|---|---|
| | | | штатных единиц | в % к общей численности финансово-экономических служб |
| 1 | Министерство народного образования | 8 272* | 5 240 | 63,3 |
| 2 | Министерство высшего и среднего специального образования | 506 | 68 | 13,4 |
| 3 | Центр среднего специального, профессионального образования | 143 | 36 | 25,2 |
| 4 | Министерство здравоохранения | 3 318 | 402 | 12,1 |
| 5 | Министерство по делам культуры и спорта | 628 | 30 | 5,0 |
| | **Всего** | **12 867** | **5 776** | **45,0** |

***Из 8 272 штатных единиц 3 032 единицы передаются в штат отделов финансирования учреждений народного образования территориальных финансовых органов, 5 240 единиц высвобождаются для укомплектования общеобразовательных школ (школ-интернатов) со статусом юридического лица соответствующими штатными должностями финансово-экономического профиля.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ДАВЛАТ ТОМОНИДАН АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ИШТИРОК ЭТИШ МАХСУС ҲУҚУҚИ («ОЛТИН АКЦИЯ»)ДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 29-30-сон, 307-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПФ-3897-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хусусийлаштирилган пахтани қайта ишлаш ва ёғ-мой саноати корхоналари бўйича давлат вакилларини тайинлаш учун номзодлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда таклифлар киритсин.

3. Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси (Р.С.Азимов) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Низом талабларига қатъий риоя қилинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

вазирликлар ва идораларнинг ўз норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштиришини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг***
***Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 24 июль,*
*151-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2007 йил 24 июлдаги 151-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ДАВЛАТ ТОМОНИДАН АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ИШТИРОК ЭТИШ МАХСУС ҲУҚУҚИ («ОЛТИН АКЦИЯ»)ДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПФ-3897-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Мамлакат иқтисодиёти учун устувор аҳамиятга эга бўлган стратегик тармоқларнинг хусусийлаштириладиган айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи (кейинги ўринларда «олтин акция» деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарори асосига кўра жорий этилади.

3. «Олтин акция» устав капиталида давлат улуши бўлмаган ёки бу улуш 25 фоиздан ортиқ бўлмаган акциядорлик жамиятларида Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи давлат комиссиясининг (кейинги ўринларда «Давлат тендер комиссияси» деб аталади) қарори билан белгиланадиган муддатга жорий этилади.

4. «Олтин акция» қийматга эга эмас, бировнинг ихтиёрига ўтказилмайди ва гаровга қўйилмайди, устав фонди миқдорини белгилашда ва дивидендларни қўшишда ҳисобга олинмайди.

5. «Олтин акция» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши таркибига давлат вакилини (кейинги ўринларда давлат вакили деб аталади) тайинлаш йўли билан амалга оширилади.

Давлат вакили акциядорлик жамиятининг уставида белгиланган кузатув кенгаши таркибига лавозимига кўра киради.

6. Унга нисбатан «олтин акция» жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорлик жамияти:

жамиятнинг уставига тегишли маълумотларни киритган ҳолда уни қайта рўйхатдан ўтказади, «олтин акция»дан фойдаланишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда эса жамият уставидан ушбу маълумотларни чиқариб ташлайди;

илгари жамият уставида белгиланган кузатув кенгаши таркиби аъзолари сонини кўпайтиради;

акциядорлар реестрига «олтин акция» эгаси бўлган давлат вакилини киритади.

7. Давлат айни бир пайтда «олтин акция»га ҳамда акциядорлик жамиятининг 25 фоиздан ортиқ бўлмаган оддий акцияларига эгалик қилган тақдирда давлат вакили «олтин акция» эгаси бўлган давлат ваколатларини амалга ошириш билан бир қаторда давлат активларининг ишончли бошқарувчиси ваколатларини ҳам бажаради.

Бунда давлат вакили акциядорлар реестрига икки марта — «олтин акция»дан фойдаланиш бўйича давлат вакили ҳамда тегишли давлат активларининг ишончли бошқарувчиси сифатида киритилади.

Давлат вакили давлат активларининг ишончли бошқарувчиси ваколатларини давлат активларини ишончли бошқариш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бажаради.

### II. ДАВЛАТ ВАКИЛИНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ

8. Давлат вакили Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси томонидан тайинланади.

9. Давлат вакилини тайинлаш учун номзодлар бўйича таклиф Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан киритилади.

10. Давлат вакили уч йил муддатга тайинланади.

### III. ДАВЛАТ ВАКИЛИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

11. Давлат вакилига акциядорлик жамияти уставида белгиланган тартиб-қоидага мувофиқ акциядорлар

умумий йиғилишлари ва кузатув кенгаши мажлислари ўтказилиши тўғрисида ёзма хабарнома, уларда кўриб чиқиш учун киритилаётган материаллар нусхалари, акциядорлик жамияти фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотлар, шу жумладан акциядорлик жамиятининг тижорат сири бўлган ахборотлар мажбурий тартибда тақдим этилади.

12. Давлат вакили:

акциядорлик жамиятининг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

акциядорлик жамиятининг устав фонди миқдорини ўзгартириш;

акциядорлик жамияти фаолиятининг асосий йўналишларини ўзгартириш;

акциядорлик жамияти томонидан йирик битимлар тузиш ҳамда манфаатдорлик мавжуд бўлган битимлар тузиш;

акциядорлик жамиятининг бошқа хўжалик жамиятларида иштирок этиши;

акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва узил-кесил тугатиш балансларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар бўйича «вето» қўйиш ҳуқуқи билан, акциядорлар умумий йиғилишида ва кузатув кенгаши мажлисларида мажбурий тартибда иштирок этади.

Акциядорлик жамияти акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг давлат вакили иштирокисиз қабул қилинган қарорлари, шунингдек давлат вакили томонидан «вето» қўйилган қарорлари ижро этилмайди.

13. Акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши томонидан мазкур Низомнинг 12-бандида кўрсатилганлардан ташқари бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилинишида давлат вакили овоз беришда қатнашмайди, у айни бир вақтда акциядорлик жамиятининг оддий акциялари давлат пакетини бошқарган ҳоллар бундан мустасно.

14. Давлат вакили ўз ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги таклифлари ҳисобга олинган ҳолда тайёрланган ёзма кўрсатмалари асосида амалга оширади.

15. Давлат вакили кузатув кенгаши мажлиси ёки акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санасигача камида 15 кундан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига кузатув кенгаши мажлиси ва акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби тўғрисидаги ахборотни, шу жумладан зарурат бўлганда «вето» қўйиш ҳуқуқидан фойдаланишга доир таклифни юборади.

Ахборотга кўриб чиқилаётган масалалар бўйича давлат вакилининг нуқтаи назари асосли баён қилинган тушунтириш хати илова қилинади.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси давлат вакилидан тегишли ҳужжатлар олинган санадан бошлаб икки кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг «вето» қўйиш ҳуқуқидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосасини сўрайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Давлат мулки қўмитасидан тегишли ҳужжатлар олинган санадан бошлаб 3 кун мобайнида Давлат мулки қўмитасига «вето» қўйиш ҳуқуқидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича ўзининг аниқ нуқтаи назарини ёзма шаклда тақдим этади.

17. «Вето» қўйиш ҳуқуқидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ёки Молия вазирлиги ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда Давлат мулки қўмитаси келишилган қарор қабул қилиниши учун кўрсатиб ўтилган вазирликларнинг вакиллари ва давлат вакили иштирокида келишув кенгаши ўтказади.

Агар келишув қарори ишлаб чиқилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси зарур материалларни, шу жумладан келишмовчиликлар рўйхати ва томонларнинг нуқтаи назарлари асосномаси билан биргаликда келишув кенгаши протоколини Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссиясига тақдим этади. Комиссия белгиланган тартибда узил-кесил қарор қабул қилади.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси давлат вакилидан тегишли ҳужжатлар олинган санадан бошлаб 15 кундан кечикмай қабул қилинган қарор тўғрисида давлат вакилига «вето» қўйиш ҳуқуқидан фойдаланишга нисбатан аниқ ёзма кўрсатмаларни юборади.

## IV. ДАВЛАТ ВАКИЛИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

19. Давлат вакили қуйидагиларга мажбур:

ўз ваколатларини Давлат мулки қўмитасидан олинган кўрсатмаларга қатъий мувофиқ равишда амалга ошириш;

ўзига юкланган ваколатларни амалга ошириш пайтида ўзига маълум бўлган маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик ва улардан давлатнинг, акциядорлик жамиятининг ва унинг акциядорларининг манфаатларига зид бўлган мақсадларда фойдаланмаслик;

Давлат мулки қўмитасига ўз ваколатларини амалга ошириш бўйича ўзи олган ҳар бир кўрсатманинг бажарилиши натижалари тўғрисида ёзма ахборот тақдим этиш.

20. Давлат активларини ишончли бошқариш ваколатлари айни бир вақтда бажарилган тақдирда давлат вакили Давлат мулки қўмитасига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу ваколатларнинг бажарилиши тўғрисида алоҳида ҳисоботлар тақдим этади.

## V. ДАВЛАТ ВАКИЛИНИ ТАҚДИРЛАШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

21. Давлат вакили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ давлат маблағлари ҳисобига ҳар йиллик тақдирлаш пули олади.

22. Давлат вакили акциядорлик жамиятидан қўшимча тақдирлаш пули олишга ҳақли эмас, давлат активларини ишончли бошқариш ваколатлари айни бир вақтда бажарилган ҳолат бундан мустасно.

23. Давлат вакили фаолиятини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари корхоналари бўйича Давлат мулки қўмитаси томонидан тайёрланган умумлаштирувчи материаллар асосида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекси томонидан амалга оширилади.

## VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

24. Давлат вакили ўзига юкланган ваколатлардан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекси билан келишилган таклифи бўйича Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси томонидан:

ўз вазифаларини бажармаганда ёки зарур тарзда бажармаганда;

узоқ вақт касал бўлиш, яшаш жойининг ўзгариши ёки бошқа сабаблар натижасида у ўз вазифаларини бундан кейин бажариши мумкин бўлмаганда озод қилинади.

25. Мазкур Низомда белгиланган талаблар бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА УЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 9 июлда 1648-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 27-28-сон, 292-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Лизинг тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 18 июндаги 123-сонли «Қишлоқ хўжалигида лизинг хизматларини янада кенгайтириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низом»га (2006 йил 27 декабрь, рўйхат рақами 1648 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 523-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб, ўн кундан кейин кучга киритилсин.

***Марказий банк***
***Бошқаруви раиси***
***Ф.МУЛЛАЖОНОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 30 июнь,*
*18/2-сон.*

***2007 йил 19 июлдан кучга киради.***

*Марказий банк Бошқарувининг*
*2007 йил 30 июндаги 18/2-сонли*
*қарори билан*
*ТАСДИҚЛАНГАН*

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА УЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ

16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Лизинг шартномаси лизинг объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан кам бўлмаган муддатга тузилади. Бунда лизинг объектининг хизмат муддати Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 23-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган асосий воситаларнинг амортизация нормаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги машина-трактор парклари ва фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги машиналарини лизингга бериш борасидаги лизинг шартномалари 10 йилгача бўлган муддатга тузилади.

Лизинг шартномасида лизинг шартномаси амал қилиши бошлангандан то тугагунга қадар лизинг объектининг қиймати бўйича вужудга келадиган ўзгаришларни инобатга олиб, лизинг тўловлари суммасига тарафларнинг келишувига биноан тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш шартлари кўзда тутилиши мумкин.

Лизинг олувчилар лизинг объектини лизинг шартномаси муддати тугашидан олдин исталган вақтда лизинг объектининг қолдиқ қийматини ва ҳисобланган лизинг фоизи тўловини амалга оширган ҳолда лизинг объектини ўз мулкига олиши мумкин. Лизинг объекти қолдиқ қиймати ва ҳисобланган фоизлар тўлови тўлалигича амалга оширилган кундан бошлаб лизинг шартномаси шартлари тўла бажарилган ҳисобланади».

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,*
*ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 18 июлда 1667-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 29-30-сон, 311-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3860-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 11-сон, 96-модда) ва 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3878-сон фармонларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 19-20-сон, 192-модда) мувофиқ қарор қиламиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 28 февралдаги 26, 2007-22-сон қарори билан тасдиқланган Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (2007 йил 28 март, рўйхат рақами 1667 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 13-сон, 127-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***
*70-сон*

***Давлат солиқ қўмитаси раиси***
***Б.ПАРПИЕВ.***
*2007-41-сон*

*Тошкент ш., 2007 йил 3 июль.*

***2007 йил 28 июлдан кучга киради.***

*Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 3 июлдаги 70, 2007-41-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. VIII боб қуйидаги мазмундаги 30[1]-банд билан тўлдирилсин:

«30[1]. Ушбу Низомнинг 29 ва 30-бандларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солиш базаси қуйидагиларга камайтирилади:

а) ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун — беш йил давомида харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига, аммо солиқ солинадиган базанинг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

б) ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой сотиб олишга текинга берилган маблағлар суммасига, аммо солиқ солинадиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда. Солиқ солиш базасини камайтиришга асос бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

шахсий уй-жой ёки кўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун ипотека кредитини олишга тижорат банки ёки бошқа кредит ташкилоти ва ёш оилалар тоифасига кирувчи ходим томонидан тузилган шартнома нусхаси;

ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадалларини тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой сотиб олишга текин бериш тўғрисидаги юридик шахс — иш берувчи раҳбарининг буйруғи.

Ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандида кўрсатилган маблағлар ҳисобига солиқ солиш базасини камайтирадиган сумма асосий фаолият тури бўйича солиқ солиш базасини камайтирувчи бутун корхона бўйича (барча фаолият турлари бўйича) солиқ солиш базасидан келиб чиқиб аниқланади.

2. 4, 5-сонли иловаларнинг 04-вараги 180-сатридаги «(150-сатр х 5%)» сўзлари «(140-сатр − 150-сатр) х 5%)» сўзлари билан алмаштирилсин.

---

## ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2007 ЙИЛ 14 ИЮЛДАН 27 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

### I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 9 июндаги 17/2-сонли қарори.*

***2007 йил 18 июлда 1697-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 28 июлдан кучга киради).***

2. «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 15 июндаги 65-сонли буйруғи.*

***2007 йил 18 июлда 977-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 28 июлдан кучга киради).***

3. «Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 3 июлдаги 70, 2007-41-сонли қарори.*

***2007 йил 18 июлда 1667-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 28 июлдан кучга киради).***

4. «Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 3 июлдаги 71, 2007-42-сонли қарори.*

***2007 йил 18 июлда 1109-8-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 28 июлдан кучга киради).***

5. «Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 8 июндаги 12, Ум-72, 92, 68, 01-02/12-15, 2007-45-сонли қарори.*

***2007 йил 19 июлда 1698-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 29 июлдан кучга киради).***

6. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ–3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 19 июлдаги М-37, 74-сонли қарори.*

***2007 йил 23 июлда 1699-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 2 августдан кучга киради).***

### II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Юридик ва жисмоний шахсларга нон ва нон маҳсулотларини пишириш учун рухсатнома бериш тартиби. *«Ўздонмаҳсулот» ДАК томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 192, 22.11.1995 й).*

***Адлия вазирининг 2007 йил 18 июлдаги 132-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди. Буйруқ 2007 йил 18 июлдаги 192-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 28 июлдан кучга киради).***

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ–3808-сонли «2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1632, 27.10.2006 й.)*

**Адлия вазирининг 2007 йил 23 июлдаги 137-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***

***Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.***

РЕКЛАМА & АХБОРОТ
# Бизнес Панорама
«Норма маслаҳатчи» 31 (108)-сон 2007 йил 3 август

«Панорама. Товарлар ва хизматлар» рукни «Premier-press» реклама агентлиги томонидан тайёрланди. Тел.: 144-02-01, 144-02-40.

**INVEST KREDIT**
**КРЕДИТ УЮШМАСИ**
Аҳолидан йиллик 42% гача ҳамда юридик шахслардан йиллик 30% гача омонатлар қабул қилади
Хизмат кредит уюшмаси аъзоларига курсатилади, УзР МБнинг 37-сон лицензияси
Тел.: 152 75 69, 152 75 70, 152 25 22
Тошкент ш., Шаҳрисабз кўч., 15-уй, 44-офис
мўлжал: "Ойбек" метро б.
ISSIQLIKELEKTRLOYIHA инс-ти рўпарасида

Poligraf Media
- Бланкалар
- Бандероллар
- Тезтиккичлар
- Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари

АГЕНТ ВА ДИЛЕРЛАР ХАМКОРЛИККА ТАКЛИФ КИЛИНАДИ
Уяли: (99890) 187-9797, 188-9898

Тўлов исталган шаклда • Товар сертификатланган •
**"GAMILON" МЧЖ таклиф этади**
**КАНЦТОВАРЛАР**
Шартномавий нархлар
Манзил: Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 6 А
Тел.: 144-66-81, 144-85-23, 395-19-99

**"ART-FLEX" МЧЖ** — ХАММАСИ ОФИС УЧУН
- Турли хил офис, ёзув, газета қоғози
- Кенг ассортиментдаги канцтоварлар
- Босма маҳсулот (блокнотлар, тезтиккичлар, жилдлар, болалар китоблари)
- Телефон аппаратлари, соатлар, лампалар
- Электр хўжалик маиший товарлар ва б.

☎ 144-04-93, 144-37-92, 360-97-53, 68-75-97

Ишлаб чиқарувчидан
**Тезтиккичлар**
**Қоғоз учун папкалар**
**Ёзув-чизув дафтарлари**
Т./ф.: (998 71) 169-65-79, 169-65-59




**"AL-VORIS" МЧЖ**
Тўлов исталган шаклда
КАНЦТОВАРЛАР ⊃ мактаб ва офис анжомлари
САРФЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ ⊃ ташкилий техникага
ХАР ҚАНДАЙ ⊃ бухгалтерия бланкалари ва буюртмага
ЭЛЕКТР-ХЎЖАЛИК, МАИШИЙ ТОВАРЛАР ⊃ кенг ассортиментда
Манзил: Тошкент ш., Навоий кўч., куйи савдо расталари
Тел.: 144-53-15, 144-54-12, тел./факс 144-53-18

## СП «ЕВРОМЕТАЛ-АЗИЯ»
ВМЗ «Красный Октябрь»
MITTAL
MITTAL STEEL TEMIRTAU
Магнитогорский металлургический комбинат

| | | |
|---|---|---|
| Катанка (ММК) | 5,5-6,5 мм, ст.3 | марки сталей |
| КРУГ | от 14 до 300 мм | 3сп, 20-70, 20Х-40Х, 18ХГТ |
| Круг жаропрочный | - 50-210 мм | 20-30Х13 |
| ЛИСТ MITTAL Г/к Х/к | 2-2,5-3-4-5-6-8-14-25-30-100 мм 0,6 - 1,4 мм | ст.3СП, 40Х, 65Г, 09Г2С 08КП |
| Лист рифлёный MITTAL | ст3сп.5 | 4х1250х6000мм |
| Лист нержавеющий | 1,0-16 мм | 12Х18Н10Т |

т/ф: 361-35-61, 55-76-74, 54-94-95 e-mail: vklim_70@mail.ru

**ЎзР САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИНГ МАРКАЗИЙ АРХИВИ**
**ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:**
- *Сақлаш учун корхоналар ҳужжатларини қабул қилиш*
- *Ҳужжатларга илмий-техник ишлов бериш (йўқ қилиш)*
- *Бухгалтерия ҳужжатларини муқовалаш*

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Бухоро кўч., 6-уй
Тел.: 132-25-40, 133-26-90 arhivtpp@rambler.ru
*(мўлжал: Амир Темур хиёбони, шаҳар статбошқарма биноси орқасида, ЎзР Савдо-саноат палатасининг 2 қаватли биноси, "UNITEL" биноси рўпарасида)*

**РЕКЛАМА**
144-02-01
144-02-40

**ООО "KOHI-NUR-INDUSTRIS"**
ПРЕДЛАГАЕТ
**ВЫСОКОКАЧЕСТВЕННУЮ ОГНЕУПОРНУЮ ПРОДУКЦИЮ**
- КИРПИЧ ОГНЕУПОРНЫЙ
- ШБ – прямой (№№ 5, 6), клин (№№ 22, 44, 45)
- КИРПИЧ КИСЛОТОУПОРНЫЙ – прямой, клин
- ПЛИТКУ КИСЛОТОУПОРНУЮ
- МЕРТЕЛЬ • КАОЛИН • ШАМОТ

☎ 170-04-64, 318-51-28

### ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР

#### ХИЗМАТЛАР

Мақола, ҳужжатларни рус тилидан ўзбекчага ва ўзбекчадан русчага таржима қиламиз.
Тел. 132-18-86.

Тикувчилик, тўқувчилик, бисер тикиш, бисер қадаш, гул тикиш, макрамени ўргатамиз.
Тел. 445-75-78.

Тирноқ ўстириш – 10 500 сўмдан бошлаб. Ўргатиш.
Тел. 104-25-32.

VIP-тирноқлар. Чегирма 30% гача. Уйга бориш мумкин.
Тел. 188-98-12.

#### КЎЧМАС МУЛК

Янгийўл томон 17 км юрилган ердаги дала ҳовли сотилади. Анҳор яқинида 6 сотихли участка. Қурилиши тугалланмаган 3 ғиштин хона. Водопровод, электр токи ўтказилган.
Тел.: 192-55-22, 103-37-35.

2 та уй сотилади, улардан бири 2 қаватли, 8 сотихли, Миробод туманида жойлашган.
Тел. 292-02-95.

2 хонали квартира сотилади. Пул ўтказиш йўли билан тўлаш мумкин.
Тел. 111-69-36.

Офис учун хоналар ижарага берилади.
Тел.: 191-77-25, 191-26-04.

#### ТУРЛИ

Шаҳар ва республика бўйича такси 1км – 200 сўм (тўлов исталган шаклда).
Тел. 133-34-14.

Оқ тусдаги бультерьер кучуклари сотилади.
Тел. 55-85-38.

Тўлиқ таъмирдан чиққан ВАЗ-03 автомобили сотилади.
Тел. 55-85-03.

**www.pc.uz**

Хизматлар лицензияланган
**STS LOGISTICS**
SOLUTIONS TO SATISFACTION
**МДҲ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда**
***30 дан зиёд офис ва 300 агент***
- *транспортнинг барча турларида юк ташиш*
- *юкларни "эшикдан эшиккача" етказиб бериш*
- *импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви*

BVQI UKAS
Компания года
Тел.: 132-23-31, 132-24-12. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

# СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИ – РАҚОБАТБАРДОШЛИК АСОСИ

**Ўзбекистонда суғурта бозори барқарор ривожланиш даврига кирди. Унда рақобат изчил ўсмоқда – бугунги кунда республикада 27 суғурта компанияси фаолият юритмоқда. Суғурталовчилар томонидан аниқ суғурталанувчиларни кўзлаб олиб борилаётган рақобат кураши уларга ўз фаолиятларини янги ва энг замонавий шакл ва усулларда иш олиб бориш ҳамда таклиф этиладиган хизматлар сифатини ошириш йўлларини излашга мажбур этади, буларнинг татбиқ этилиши барқарор ва муваффақиятли ривожланиш гарови ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 618-сон қарори бу масаланинг муҳим ва долзарблигидан дарак беради, мазкур қарорда кўрсатиладиган суғурта хизматларини кейинчалик ривожлантириш ва сифатини оширишга доир чора-тадбирлар белгиланган.**

Кўриниб турибдики, кўпгина суғурта компаниялари суғурта маҳсулотлари ва аҳолига кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифати ҳақида мунтазам қайғурадилар. Бу эса уларни истеъмолчилар хоҳиш-истакларини инобатга оладиган ҳаракатдаги сифат бошқаруви тизимини ташкил этиш зарурлиги ҳақида хулоса чиқаришга ундайди. Суғурталовчилар бозорда етакчи бўлишлари учун янги суғурта маҳсулотларини тезкор равишда яратишлари ёки мавжудларини модернизациялашлари, доимо ўз сервисларини яхшилашни ўйлашлари лозим. Бунинг учун суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш чоғида лойиҳа фаолияти устидан ҳам, уларни тақдим этишнинг барча босқичларида ҳам аниқ назорат механизми зарур. Жорий фаолиятда лойиҳалашни интеграциялаш тизими керак бўлади, у ишлаб чиқилаётган суғурта маҳсулотларини ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатига бўлган талабларни бошқариш имкониятини яратади. Шунингдек кўрсатиладиган хизматлар параметрлари ўзгариши доирасида истеъмолчилар билан ўзаро алоқани кузатиш механизмлари ҳам зарур.

"Ўзбекинвест" компанияси ISO 9001:2000 халқаро стандартлари талабларига мувофиқ равишда қурилган, сифат менежментининг саккизта тамойилига ва жараёний ёндашувга асосланган сифат менежменти тизимини (СМТ) қўллайди. Уни жорий қилиш ҳақидаги қарор 2003 йилда қабул қилинган. 2004 йил февралда у сертификациядан ўтди ва ЭИМСК Ўзбекистон суғурта бозорида биринчи бўлиб халқаро сертификат соҳиби бўлди.

СМТнинг жорий қилиниши мижозлар ҳақида қайғуриш, уларнинг талабларини янада тўлиқ қондиришга интилиш, рақобат устунликларининг янги йўлларини излаш зарурати, шунингдек халқаро суғурта ҳамжамиятига интеграциялашув мақсадлари билан изоҳланади.

Шу йилнинг март ойида "Ўзбекинвест" иккинчи сертификатлашдан ҳам муваффақиятли ўтди ва ўз сифат менежменти тизими ISO 9001:2000 халқаро стандарти талабларига мослиги тўғрисидаги халқаро ҳамда миллий сертификатларга эга бўлди. Сертификатланган сифат менежменти тизими суғурталовчининг мижоз умидларини қондиришга ва кўрсатилаётган хизматлар зарурий сифатини таъминлашга қодирлигининг далили бўлиб хизмат қилади.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга комплекс ёндашув туфайли бизнес юритишнинг энг яхши усулларини ўзида жамлаган сифат менежменти тизими "Ўзбекинвест" ЭИМСКга сезиларли даражада фойда келтирди. СМТ компания фаолиятини таҳлил қилиш, баҳолаш ва оптималлаштиришнинг самарали дастаги бўлди. Жараёнлар мониторинги маълумотлари уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш ва нохуш ҳолатлар юзага келгунга қадар огоҳлантирувчи ҳаракатларни амалга оширишга имконият яратади. Фаолият давомида юзага келадиган ҳар қандай номувофиқликлар сабабларини аниқлаш ҳамда келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тузатувчи ва огоҳлантирувчи ҳаракатларни ишлаб чиқиш имконияти ҳам СМТ фаолиятининг ижобий жиҳатларидан бири ҳисобланади.

"Ўзбекинвест" компанияси ўз мижозлари билан ўзаро мустаҳкам алоқаларни ўрнатишга интилади, у департаментда истеъмолчилар рекламацияларини билан ишлайдиган ўзаро алоқани таъминлаш механизмига эга: мижозлар кўрсатилаётган хизматлар борасидаги таклиф ва шикоятлари билан ишлаб турган бевосита телефон тармоғи орқали мурожаат қилишлари мумкин (телефон рақами суғурта полислари ва компаниянинг web-сайтида, шунингдек барча офисларимизда жойлаштирилган). Истеъмолчилар фикрларини фаол ўрганиб чиқиш сервис ва суғурта маҳсулотларини такомиллаштириш ҳамда суғурта хизматлари тақдим этиладиган барча босқичларда ходимлар тезкорлиги, билимдонлиги ва хушмуомалалилигини ошира бориб, мижозлар рекламациясига ўз вақтида эътибор қаратиш тизимини яхшилаш учун кенг имкониятлар яратади.

Шунингдек, "Ўзбекинвест"да СМТ жорий этилишининг яна бир ижобий жиҳатини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда барча маҳаллий суғурта компаниялари ёки тармоқланган шохобчалар тизимига эга, ёхуд республика минтақаларида ўз ваколатхоналарини очиш устида ишлашмоқда. Бу рақобатбардошликни оширибгина қолмай, балки суғурталовчи таклиф этаётган хизматларни бўлғуси истеъмолчилар учун янада мақбул қилади. Шу боис СМТ жорий этган компания учун ҳамма бўлинмалари ўртасида ўзаро маълумот алмашинувини таъминлаш муҳим.

2004 йилда "Ўзбекинвест" СМТ татбиқ қилаётганда, маълумотлар базасига хусусий ахборотни киритган. Бу барча ҳужжатларни ягона андозага келтириш ва жойларда ҳужжатларни қўллашда уларнинг долзарб нусхалари мавжудлигини таъминлаш имкониятини яратди, шу йўл билан уларнинг эскирган шакллари қўлланилишини истисно қилди. ЭИМСКнинг жойлардаги тузилмавий, ҳудудий ва ихтисослаштирилган бўлинмалари барча зарур ахборотни олишади. Натижада иш соати тежалади, ходимларнинг омилкорлиги ошади, ҳужжатларни тасдиқлатишга кетадиган вақт ва моддий харажатлар камаяди.

Сифат менежменти тизимининг татбиқ этилиши ва амал қилиши "Ўзбекинвест" ЭИМСК фаолиятини мунтазам такомиллаштириб бориш учун рағбат бўлди, асосий таомилларни унификациялаш, жараёнли ёндашувни жорий қилиш, истеъмолчилар фикрларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда уларни такомиллаштириш мақсадида асосий ишлаб чиқариш жараёнларини даврий кўриб чиқилиши асосида иқтисодий фойда кўрди. Бу ерда таъкидлаш жоизки, СМТ халқаро сертификатининг мавжудлиги – компания нуфузини оширувчи жиддий далил, бизнес бўйича узоқ муддатли ва ишончли шерик бўла олишининг кафилидир.

***"Ўзбекинвест" ЭИМСК стандартлаштириш ва рекламация департаменти.***

UNIC ЎЗБЕКИНВЕСТ
ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ




СУҒУРТАЛАШ
ВАҚТИ КЕЛДИ!

www.uzbekinvest.uz
Тошкент ш., Х.Сулаймонова кўч., 49
тел.: +(998 71) 133-05-56, 133-08-54
факс: +(998 71) 133-07-04, 120-65-38
e-mail: site-admin@uzbekinvest.uz
ISO 9001:2000
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН
pr_334_07

# ДИҚҚАТ: ХАВФЛИ ЎЙИНЧОҚ

***Кўринишидан энг беозор товарларда ҳам ажал хавфи бўлиши мумкин. Европа Иттифоқи экспертлари сотувдан сифатсиз буюмларни олиб қўйиш ҳолларини таҳлил қилиб, ана шундай хулосага келдилар. Духобадан ясалган айиқчалар, пардоз буюмларидан тортиб енгил автомобилларгача "товарлар қора рўйхати"га тушди.***

Ҳозир буюм бозорларигина эмас, балки чакана савдо қилувчи турли дўконлар ҳам хавфли товарларга тўлиб кетган. Мисол учун, болалар ўйинчоқларини олайлик. Улар кўпроқ савдо қилиш тақиқланган товарлар орасида учрайди. Уларнинг аксарияти Хитойда ишлаб чиқарилган.

Хавфли айиқчанинг қўл-оёқлари ва боши шу қадар ёмон чатиб ёпиштирилганки, чоки сўкилиб, ичидаги тўлдирилган нарсалар ташқарига тўкилиб кетади. Бола уни ўйнаётиб нафаси бўғилиб қолиши мумкин. Бундан ташқари, ўйинчоқдаги қаттиқ деталлар болани жароҳатлаши мумкин.

"Супермен" деб аталган яна бир ўйинчоқ ҳам Хитойда тайёрланган. Дўкон пештахтасида кўрсангиз, уни четлаб ўтинг. Чунки у аслида секин ишлайдиган минадир. Ўйинчоқ заҳарли бўёққа бўялган, унинг заҳарлилик даражаси йўл қўйиш мумкин бўлган энг юқори меъёрдан 20 баравар ортиқ.

Хавф-хатардан болаларгина эмас, балки уларнинг ота-оналари ҳам эҳтиёт бўлишлари лозим. Мана, Украинада ёғли терига суртиш учун қайин куртакларидан ишлаб чиқарилган крем. Унда фойдали моддалардан ташқари, терини қичиштирадиган ва яллиғлантирадиган хавфли замбуруғ бор.

"Қора рўйхат"да яна кўп қизиқарли буюмлар бор. Унда Гонконгдан ток урадиган электр парма, қанчалик мустаҳкам ўрнаттилмасин - бир куни бошга тап этиб тушадиган турк қандили ҳам бор. АҚШ косметикасини айтмайсизми, ундан мунтазам фойдаланиш бепуштликка олиб келади. Грецияда ишлаб чиқарилган тирноқ локи ҳам диққатга сазовор. Ундан фойдаланиш хавфли тери касаллигини қўзғатиши мумкин.

Бу буюмларнинг ҳаммаси ягона Европа маълумотлар базаси – Rapex га тўпланган ва интернетдан ўрин олган. Дўконга боришдан олдин шу маълумотлар билан танишиш фойдадан холи бўлмайди. Бу рўйхат ҳар ҳафтада янгилаб турилади.

Ҳозир унда, айтиш жоизки, Хитойдан бошқа мамлакатларда ҳам ишлаб чиқарилган хилма-хил маҳсулотларни кўриш мумкин. Баъзан нуфузли ишлаб чиқарувчилар ҳам "қора рўйхат"га тушиб қолади. Масалан, тегишинча Буюк Британия ва Францияда йиғилган Land Rover ва Renaut автомобиллари Еврокомиссиянинг "қора рўйхати"га тушди. Уларда аниқланган носозликлар тунда суриладиган кремдаги замбуруғга қараганда анча жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

